O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KITOB PALATASI
15.12.99

# САЙЛОВ — МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ИМТИҲОНИ

**Da'vat**

**XXI асрда, мен ишонаман, маданият учун, илму маърифат учун жонини берадиган ва буни ҳаётининг асосий мақсади қилиб қўядиган янги авлод пайдо бўлади.**

**Ислом КАРИМОВ**

Kuch — bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 17 ноябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 91 (7184)

**Ibrat**

**Тошкент шаҳридаги ногиронлар билим юртига Америкадаги «Филин Норрис» компанияси 11 та ЭҲМни совға қилди. Мазкур компания томонидан билим юртида очилган марказда 500 нафар ногирон йигит-қиз 8 та касб бўйича илм сирларини компьютер орқали ўрганишмоқда.**

## СИЁСИЙ ЖЎШҚИН ЛАҲЗАЛАР

**Jarayon**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси мамлакатда кечаётган сиёсий жўшқин лаҳзаларнинг келажакка даҳлдор тарихга айланишида бош орган сифатида фаолият кўрсатмоқда. Республикамиздаги сайловолди жараёнларини ўрганиш ва кузатиш учун келган Мадлен Вилкинс бошчилигидаги Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти делегацияси Марказий сайлов комиссиясида бўлди. Ватан ва халқ тақдири билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Олий Мажлис депутатлигига сайловларнинг аҳамияти хусусида комиссия раиси Н. Комилов билан бўлган дўстона суҳбат чоғида сайловларнинг тенглик, ошкоралик, қонунийлик каби демократик тамойиллар асосида ўтиши учун амалга оширилган кенг кўламли ишлар хусусида фикрлар билдирилди. Сайловларда халқаро кузатувчиларнинг иштироки билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Республиканинг барча ҳудудларида ўтказилаётган сайловолди жараёнларига бағишланган семинарларда ҳам асосан шу ва шу каби масалаларга эътибор қаратилмоқда. Жумладан, пойтахтда бўлиб ўтган Тошкент шаҳри ва вилоятининг округ сайлов комиссиялари раҳбарларининг семинарида Марказий Сайлов комиссияси раиси Н. Комилов иштирок этиб, номзодлар, сайловчилар ва участка вакиллари ўзларига берилган барча ваколатлардан фойдаланишлари ҳақида сўзлади. Дарҳақиқат, Республика тест марказида тузилган махсус анкеталарни тўлдирган иштирокчилар сайлов тўғрисидаги қонунлар ҳамда сайловолди кампаниясини уюштириш ва ўтказиш борасида етарли билимга эга эканликларини кўрсатди.

**Ф.КАРИМОВ**



*Буюк келажак сари одимлаётган жамиятнинг ҳар бир куни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маърифий-маданий фаолиятнинг қайноқ нафаси билан йўғрилган бўлади. Тошкент шаҳридаги 1-Саноат сайлов округига қарашли 1-сайлов участкасида амалга оширилаётган ишлар бунга мисол бўла олади. Бу ерда сайлов билан боғлиқ тушунчаларни сайловчилар ўртасида кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Яъни, ташаббускор ташвиқот гуруҳи тузилган. Профессор-ўқитувчилар ва талабалардан иборат ушбу гуруҳ фаолиятининг мазмуни фуқароларнинг сиёсий саводхонлигини, ҳуқуқий маданиятини, қолаверса, ижтимоий фаоллигини оширишдан иборат.*

***Суратда:** ташаббускор тарғибот гуруҳининг иш жараёнидан лавҳа.*

**Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат**

**(Олий Мажлис депутатлигига номзодлар билан газетамизнинг 2-бетида танишасиз).**

## НОМЗОДНИ ТАНИШ ШАРТ, БИЛИШ МУҲИМ

**Munosabat**

Бугун мамлакатимизда кечаётган сайловолди жараёнларининг бир иштирокчиси - сайловчи сифатида номзодларнинг сайловолди жараёнларидаги ташвиқотлари хусусида кўп ўйлайман. Тан олиш керакки, ўз тақдиримиз, келажагимизга яқин кунларга қадар бўлган муносабатларимиз кескин ўзгарди; нигоҳларимиз ўткирлик, зеҳнларимиз теранлик касб этди. Айни кунларда маҳаллий кенгашларга ва Олий Мажлис депутатлигига номзодлар билан учрашувлар чоғида сайловчиларнинг қизғин мунозараларга киришаётганлиги, уларнинг ижтимоий-ҳаётий муаммоларни чуқур англаб етаётганидан далолат беради. Бундан кўринадики, номзодлар зиммасига - ишонч қозониш, уни оқлаш каби чексиз масъулият юкланади. Сайловчи биладики, овози ўзининг ҳуқуқи сифатида барча орзу-умидлари, хоҳиш-истакларининг ижобатига хизмат қилади. У тушунадики, ҳар қандай интилишлар фақат қонун кафолати билан амалга ошади. Демак, у номзодни таниш билан кифояланмайди. Овоз беришга лойиқ одамни билишга, унинг ақлий салоҳияти, имкониятлари билан ҳисоблашишга интилади. Ташвиқотлар даврида ўз сайловчисининг бешикдаги боласидан тортиб, кекса момоларигача бўлган авлодлар манфаатига хизмат қилишга бел боғлаган чин халқпарварларни излайди. Бугун ривожланаётган мамлакатимиз тараққиёти йўлида талай муаммолар мавжуд. Миллий, маънавий, иқтисодий, маърифий соҳалардан ташқари цивилизациянинг муҳим шарти бўлган минтақавий хавфсизлик, авлодлар давомийлигининг душмани бўлган наркобизнесга қарши курашиш масалалари ҳам сайловчининг эҳтиёжига айланган. Ўйлайманки, бугунги сайловчи билиб сайлайди, ишониб сайлайди, ҳис қилиб сайлайди. Номзодлар ҳам ўз навбатида буни чуқур англашлари, англаганларини намоён эта олишлари керак.

**Санталатхон АБДУРАҲМОНОВА,**
**Учқўрғон тумани Кўғай қишлоғи**

**JUMLADA JAHON**

**• Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан Виталий Васильевич Фен Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлиб ўтган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш комиссиясининг навбатдаги мажлисида жаҳон адвокатурасининг тарихини, унинг жамият ва суд тизимидаги ўрнини тадқиқ этиш масалалари юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.**

**• «Дин ва демократия» халқаро динлараро сиёсий анжуман қатнашчилари томонидан Тошкент резолюцияси қабул қилиниб, унда БМТга 2002 йилни «Халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашда динлараро бирдамлик йили» деб эълон қилиш тўғрисида мурожаат қилинди.**

**• Халқаро ҳамжамиятнинг террорчи Усама бин Ладенни судга топшириш ҳақидаги талаби бажарилмаганлиги боис БМТ «Толибон» ҳаракатига нисбатан иқтисодий жазо чораларини кучга киритди.**

**• БМТ Бош котиби Кофи Аннан ўзининг Хитойга тўрт кунлик сафари давомида Хитой раиси Цзян Цзэмин ва бошқа раҳбарлар билан учрашиб, томонларнинг БМТнинг халқаро миқёсдаги обрўсини ошириш, Хитойнинг Шарқий Тиморда тинчликни қарор топтириш борасидаги ишларга кўмаги ҳамда мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан музокаралар олиб боради.**

## ЭНГ БУЮК БОЙЛИК — МАЪРИФАТ, ЭНГ АЧЧИҚ ОҒУ — ЖАҲОЛАТ

**Иккинчи мақола**

**Ogohlikka da'vat**

Мана, 1400 йилдирки, Ислом дини асоси бўлмиш Қуръони карим ва ҳадиси шариф моҳиятан одамларни фақат ва фақат яхшиликка, олижанобликка даъват этиб келмоқда. Бу каби инсоний фазилатларнинг барчаси биргина иймон сўзида мужассамлашади. Шунинг учун ҳам юртимизда азал-азалдан бирор кишига баҳо берилар экан, "иймон-эътиқодли, мўмин-мусулмон" дея сифатланади. Ва ёки бирор дилозор ҳақида сўз кетганда эса ўз-ўзидан "иймонсиз" деган калом тилга келади. Яна исломнинг улуғ даъватларидан бири тил билан фақат дилдаги борини изҳор этиш, яъни тил ва дил бирлигига эришишдир. Миллатимиз, умуман, шарқ халқлари тарихига назар ташлар эканмиз, ҳамиша олиму фузалолар, шоир-маърифатпарварлар, кенг маънодаги илм аҳлининг ана ўша тил ва дил бирлигига амал қилмайдиган жоҳилларга қарши турли йўллар, воситалар билан курашиб келганига гувоҳ бўламиз.

Донишманд ота-боболаримиз жаҳолат ҳар қанча авжга чиқмасин курашни бир зум бўлса-да сусайтирмаганлар. Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ал Фаробий, Алишер Навоий, Фузулий, Машраб асарлари, ғазалларига назар ташлар эканмиз, бунга ўзимиз ҳам амин бўламиз.

Буюк аллома Ибн Сино дин номидан гапирувчи жоҳил уламолар ҳақида шундай ёзган бўлса:

***Мусулмонликда мен аҳли***
***замон ичра эдим танҳо,***
***Агар кофир эрсам мен ҳам,***
***бу дунёда мусулмон йўқ***

Улуғ бобомиз Хожа Аҳмад Яссавий эса гуноҳ устига гуноҳ қилса-да, ҳаргиз пушаймон қилмайдиган, зоҳиран ўзини сўфий деб юрган кишилар тўғрисида шундай ёзган:

***Эй кўнгил, қилдинг гуноҳ,***
***ҳаргиз пушаймон***
***бўлмадинг,***
***Сўфиман деб лоф уриб,***
***толиби жонон бўлмадинг,***
***Ҳайф умринг ўтди бир***
***лаҳза гирён бўлмадинг,***
***Сўфинақш бўлдинг вале***
***ҳаргиз мусулмон бўлмадинг.***

Кўриниб турибдики, покдил инсонлар ҳамиша диннинг софлиги учун курашда маърифат йўлидан бориб жоҳилларга қарши ўз муносабатларини билдириб, мусулмонларни ҳушёрликка, тўғриликка бошлаганлар. Мана шуларни ўйлар эканман, Ўзбекистон танлаган йўл, Президентимизнинг жаҳолатга қарши маърифат билан курашмоқ кераклиги ҳақидаги қарашлари, фозил аждодларимиз мулоҳазаларига нечоғлик уйғун эканлигини дил-дилдан туяман.

Айрим билими, дунёқараши, фикр доираси тор ёшларимиз ҳали сохта диндор шахси билан чин мусулмон шахсини бир-биридан ажрата олмайдилар. Маърифатпарвар юртдошларимиз, устозларимиз ана шундан ташвишланмоқдалар.

Келинг, устозларимизни ташвишлантираётган ана шу ҳолатларни биргалашиб таҳлил қилишга уриниб кўрайлик. Бунинг бир қанча сабаблари бор.

**Биринчидан**, бу шўро сиёсати туфайли халқимизнинг динга ўта чанқоқ бир ҳолатда яшаганлиги билан боғлиқдир. Ахир, халқимиз 90-йилларнинг ўрталаригача Қуръондан бебаҳра эди. Ўта ташна бир ҳолатдаги инсон оби-ҳаётни кўрганда ўзини қандай тутади? Афсуски, ақидапарастлар ўзларига ҳамтовоқ аламзада кучлар билан халқимизнинг ана ўша чанқоқлигидан фойдаланиб, оби-ҳаёт ўрнига оғу ичиришга ҳаракат қилдилар.

**Иккинчидан**, шўро даврида диний уламолар қанчалар камайиб кетганлиги, уларга бўлган муносабат барчамизга аён. Шу боис мамлакатимиз озодлиги туфайли динимизга йўл очилгандан сўнг бино бўлган минглаб масжидларимиз меҳробини пок, иймонли уламолар билан бирга ҳар хил мақсаддаги кучлар таъсирига тушиб улгурган, тор тушунча ва дунёқарашдаги кишилар ҳам "эгаллашга" муваффақ бўлдилар.

Юртимизга дўст ниқоби остида кириб келган юзлаб "даъватчи"ларни халқимиз эъзозлаб, энг азиз меҳмонлар қаторида уйларига таклиф қилдилар. Масжидларда, давраларда ҳавас билан уларнинг оғизларига термулиб, айтган сўзларини жон-диллари билан тинглаб ўтирдилар. Шундай ҳолатдан фойдаланиб, минг йиллар давомида Имоми Аъзам яъни, ҳанафия мазҳабида бўлган мусулмонларга нафақат бошқа мазҳаблар, балки моҳиятан сиёсий ғоялар билан қуролланган ваҳҳобийлик каби оқимлар ҳам таъсир кўрсатишга урина бошлади. Улар биринчи навбатда мамлакат келажаги бўлган ёшларни ўз томонларига оғдиришга ҳаракат қилдилар. Аммо шўро даврида ҳам ўз мусулмончилигини сақлаб қолган ота-боболаримиз бу мазҳабларнинг, бу оқимларнинг кўрсатмаларини қабул қилолмади. Шу сабаб ваҳҳобийлар йўлбошчилари ўз масжидлари меҳробидан туриб энг оғир йилларда ҳам ўз эътиқодида собит қолиб келган ота-боболарини, миллатдошларини нафақат ҳақоратлади, ҳатто кофир деб эълон қилишгача борди.

**(Давоми2-бетда)**

**Ўқитувчи ён дафтарига**

### ТАЪСИРЛОВЧИ ЧИЛОНЖИЙДА

**Чилонжийда баргини чайнаб, устидан бирон-бир ширинлик есангиз, унинг таъмини сира сезмайсиз. Худди новокаин таъсир қилганидек, сизда таъмни сезиш қобилияти йўқолади, оғзингиз бетаъм бўлиб қолади. Шу сабабли рангсиз кунларга менгзаб, чилонжийдани ғамга ўхшатишади.**

### ҒАРОЙИБ ТАРЖИМОН

**Исроилда ишлаб чиқилган «Вавилон» компьютер дастури машҳур газеталардан бири — «Нью-Йорк Таймс»ни саккиз тилда ўқиш имконини беради. Тугмачани босиб бир вақтда бир саҳифанинг бирйўла саккиз тилдаги таржимасини ўқишингиз мумкин. XXI аср— ахборот асри бўлади. Вақти келиб бизнинг газеталарни ҳам турли миллат кишилари ўқий бошлашса ажаб эмас!**

### ПРЕЗИДЕНТДАН РУХСАТ

**бўлмаса Францияда эркаклар 18 ёшга, аёллар 15 ёшга тўлмасдан оила қуришлари мумкин эмас. Ҳукуматнинг чиқарган қарори шундай. Амалда эса француз йигитлари 25 ёшдан ошгач, қизлари эса 22-30 ёш орасида турмуш қуришмоқда.**

### БАРГИ РАНГНИ ЙЎҚОТАДИ

**Агар қўлингизга дарахт барги тегиб яшил бўлса, корнус дарахтининг япроқларини ишқаласангиз, қўлингиз яна оппоқ бўлади. Корнус барги таркибида тозаловчанлик хусусияти бўлиб, у бемалол сувнинг ўрнини босади.**

## ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ УЧУН ОВОЗ БЕРИШМОҚДА

**Sharh**

Собиқ шўро тузуми қарамлигидаги турли миллатларнинг тақдири аввал ҳам, ҳозирги кунда ҳам маълум маънода бирбирига ўхшаб кетади. Улар истибдод даврида ўзлигини унутиб яшашга маҳкум бўлган бўлсалар, бугунга келиб эса ўз эркларини қўлга киритиб, ўз тақдирларини ўз қўллари билан яратиш имконига эга бўлишди. Бир сўз билан айтганда, улар озодлик, ҳурлик, Ватан ҳис-туйғуси каби инсоният, миллат мавжудлигини бардавом қиладиган тушунчаларни чинакамига англаб етмоқда.

Шу ойнинг бошида қўшнимиз — Тожикистон Республикасида бўлиб ўтган Президентлик сайлови натижалари ҳам юқоридаги фикримиз далили бўла олади. Тожик халқи мамлакатнинг ҳозирги раҳбари Имомали Раҳмоновни Президентлик лавозимига қайта сайлаш билан ўз хоҳиш-иродасини намойиш этди. У — йиллаб давом этиб келаётган ўзаро келишмовчиликларга барҳам бериш, юрт тинчлиги ва барқарорлигини таъмин этиш.

Тожикистон Ислом уйғониш партиясидан президентликка номзод этиб илгари сурилган Давлат Усмоннинг атиги икки фоиз овоз олганлиги эса тожик халқининг дунёвий давлат қуришдек эзгу мақсадларини амалга ошириш учун имконият етарли эканлигининг далолатидир.

14 ноябрь куни Украинада бўлиб ўтган президентлик сайлови натижалари ҳам тараққиётга интилаётган халқнинг орқага қайтишни хушламаслигини исбот этди. Сайловнинг дастлабки натижаларига кўра, Украинанинг ҳозирги Президенти Леонид Кучмага сайловчиларнинг 56,08 фоизи овоз беришган, коммунистлар йўлбошчиси Пётр Симоненко учун эса 38 фоиз. Умумий натижанинг қандай бўлишидан қатъий назар Леонид Кучма иккинчи муддатга мамлакат Президенти этиб сайланди. Эслатиб ўтамиз, Леонид Кучма аввалги Президентлик сайловида 52 фоиз овоз олиб ғалаба қилганди.

**«Ma'rifat» sharhlovchisi**

Талабалик ғурури
3-бет

Вамберининг кўнгиротлик ҳамроҳи
3-бет

Истеъдод улғайса, ишонч улғаяр
4-бет

## «МАЪРИФАТ»ЛИЛАР КЎПАЙМОҚДА

**Obuna—2000**

*Одам боласи ҳисоб-китобни яхши кўради. Кўз билан кўрадиган, қўл билан ушласа бўладиган нарсалар ҳисобидан ташқари муносабатлар — севги, меҳр, қаҳр, сабр ва бошқаларни ҳам ҳисоблаб борамиз — улкан меҳр ё қаҳр, чексиз сабр ва ҳоказо.*

*Математиканинг ҳаётдаги ўрнини бошқалардан кам ҳис қилмайдиган газетачилар ҳам айни дамларда ўзига хос ҳисоб-китоблар оғушида. Якунига етаётган обуна мавсуми ҳисоб-китоб ишида «пишиқроқ» бўлишга ўргатаяпти. Бу борада анча тажриба тўплаган обуначилар ҳам ҳисоб-китобни қаттиқ олишиб, фақатгина энг керакли нашрларга обуна бўлишмоқда. Масалан, «Маърифат»га!*

*Ўтган йили Косон туманидан 245 киши «Маърифат»га обуна бўлган бўлса, ҳозиргача улар сафи 316 дан ошиб кетди. Демак, «Маърифат»лилар сафи янада кенгаймоқда. Шошилинг, Сиз ҳам қатордан қолманг!*

# ЭНГ БУЮК БОЙЛИК — МАЪРИФАТ, ЭНГ АЧЧИҚ ОҒУ — ЖАҲОЛАТ

(Боши 1- бетда)

Натижада мамлакатда "ҳақиқий" ва "сохта" диндорликка ажралишлар лайдо бўлди. Ҳатто Фарғона водийси вилоятларида айрим оилаларда ота-ўғил ўртасида айни шу маънода ихтилофлар келиб чиқди. Ота ваҳҳобий бўлиб келган ўғилдан норизо, ўғил ҳанафия мазҳабида собит турган отасини айблайди.

**Учинчидан**, ислом маърифати, маданияти, маънавиятининг мустаҳкамланишида, дунёга ёйилишида аждодларимизнинг улкан ҳиссаси борлигини, минг йилларки, бутун олам аҳли эътироф қилиб келмоқда. Ана ўша эътиқод динга ҳурмат, Оллоҳ олдидаги масъуллик, чин мўминлик фазилатлари қонимизда борлиги сабабми, Оллоҳни тилга олиб гапирган кишига ҳурмат ва ишонч билан боқамиз. Мамлакатимиз душманлари ана ўша ишончдан фойдаланишга ҳаракат қилиб қолдилар.

Умуман, дунёда ёвуз мақсадли кимсалар нафақат ислом динидан, балки бошқа динларнинг таъсир кучидан зўр бериб фойдаланишга уринмоқдалар. Японияда тарқалган "АУМ Сенрикё" деган диний оқим вакилларининг фаолиятларини эслайлик. Улар дунёнинг турли мамлакатларидаги юзлаб ёш йигит-қизларни иродасидан, онгшууридан маҳрум қилиб, зомби – яъни манқуртга айлантириб қўйгани яхши маълум.

Тараққийпарвар кишилар XXI аср бўсағасида бир нарсани очиқ-равшан баён этмоқдаларки, тузум билан у хоҳ социалистик, хоҳ исломий мажбуриятга асосланган бўлсин, тазйиқ билан одил жамиятга эришиб бўлмайди. Фақатгина инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинадиган, демократик – дунёвий давлатдагина инсонларни онгли ҳаёт кечириши, қонун доирасида яшаши орқали инсониятга минг йиллар давомида орзу бўлиб келган жамият қуриш мумкинлиги аён бўлиб қолди. Ва бундай жамиятнинг асосини кўр-кўрона итоат этиш эмас, балки онгли идрок этиш ташкил қилади. Онгли инсонлар жамиятини эса ҳеч қандай куч, сохта ақидалар бузолмайди.

Аниқроқ қилиб айтсак, диний ақидапарастларнинг мунофиқ йўлбошчилари халқнинг динга чанқоқлиги, ўтиш даврининг ўзига хос мураккабликлари ва айрим тоифа ёшларнинг фикрдоираси торлигидан фойдаланиб, ўз таъсирларини ёйиш орқали ҳокимиятни қўлга киритишга интилмоқдалар. Уларнинг барча ёвузликлари замирида ана шу мақсад яширингдир.

Дин пок ва мукаммалдир. У ҳеч қандай ислоҳотларга муҳтож эмас. Ислом динининг муқаддас китоби Қуръон ҳам ҳеч қачон одамларни ёмон йўлларга, беҳуда қон тўкишга, мажбурий ибодатга бошламайди. Аксинча, онгли идрок билан ақлга таяниб, Оллоҳни таниб, у буюрган инсоний даъватларга амал қилишга, шу билан бирга сохта диндорлардан огоҳ бўлишга чақиради.

Исломшуносларимизнинг айтишларича, Қуръоннинг 50 дан ортиқ оятларида ақлга таяниб иш кўришга, фикрлашга даъват қилинган. Бугун уламоларимиз Қуръоннинг "Бақара" сурасидаги ушбу оятларни бежиз тез-тез такрорламаяптилар: **"Улар Оллоҳни ва иймонли кишиларни алдамоқчи бўладилар ва ўзлари сезмаган ҳолда фақат ўзларини алдайдилар. Уларнинг дилларида мараз бор эди, бас, Оллоҳ маразларни янада зиёда қилди. Улар учун қилган ёлғонлари сабаб аламли азоб бордир. Уларга "ер юзида бузғунчилик қилманглар" дейилса, "биз – ислоҳ қилувчилармиз", дейдилар. Огоҳ бўлингизким, улар албатта бузғунчилардир, лекин ўзлари буни сезмайдилар".**

Айрим ёшларимиз фикрсизлик натижасида дин номидан сўзлаётган ана шундай ўзларини "ҳақиқий" мусулмон деб атаётган сохта диндорларга, "ислоҳ қилувчи"ларга ишониб қолишмоқда. Уларнинг кўнглида қандай ниятлар, мақсадлар бор, уларнинг ўзлари кимлар? Буни ажратишга ожизлик қилмоқдалар. Шу боис ҳам дин ва сохта диндор шахсини ажратиб олиш бугун жуда катта аҳамиятга эгадир.

**"Муқаддас ислом динини ниқоб қилиб манфур ишларни амалга ошираётган аллақандай мутаассиб кучлар, табиийки, ер юзидаги барча мусулмонларнинг руҳий олами ва дунёқарашини белгилай олмайди".**

**Минҳожиддин МИРЗО**

# Танишинг: Олий Мажлис депутатлигига номзодлар

## САЙЛОВЧИНИНГ ТАЛАБИ ВА ҚОНУН



**72-Фориш сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод Хуршид Дўстмуҳамедов билан суҳбат.**

**—Хуршид Набиевич! Мана, сайловолди учрашувлар ҳам бошланиб кетди. Шу муносабат билан ўзингизда туғилган дастлабки таассуротлар билан ўртоқлашсангиз.**

—Жиззах вилоятининг Фориш, Жиззах, Арнасой, Ғаллаорол туманларининг довруғи, у ерлик улуғ инсонларнинг ўзига хос фазилатлари элюртга яхши маълум. Мақтовга лойиқ ютуқлар билан бирга муаммолар ҳам йўқ эмас, албатта. Шу ўринда мен сайловчиларнинг талаби ва депутатликка номзодларнинг сайловолди ҳаракат дастури ва қонун ҳақида тўхталмоқчи эдим.

Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг сайловолди ҳаракат дастурларига умумлашма хулоса чиқариладиган бўлса, уларнинг ҳаммаси бир улуғ мақсадга — жамиятимизда кечаётган улуғвор ислоҳотларни янада жадаллаштириш ва унинг самараларини кўришга қаратилгани сезилади. Юзаки қараганда, дастурда белгиланган ва баён этилган режалар умумийдек туюлади. Аслида эса ундай эмас.

Мисол учун, ўзимнинг сайловолди ҳаракат дастуримда қуйидаги мақсад ва вазифа қайд этилган. Яъни, «мустақил нашрларни кўпайтириш, фикр хилма-хиллигига кенг йўл очиб, мамлакат миқёсида таклиф-мулоҳазалар муҳофазаси тизимини вужудга келтириш, энг соғлом ва амалий ғояларни ҳаётга татбиқ этиш, оммавий-ахборот воситаларининг жамиятдаги барча бўғин ва табақалар орасида назоратчилик бурчини бажаришига кенг имкон яратиш зарур деб ҳисоблайман».

Хўш, бу гапларнинг конкрет жойлардаги конкрет ҳаёт билан қандай алоқаси бор, деган саволга жавоб берайлик.

Сайловчилар билан учрашув чоғида Фориш туманида иш билан таъминланмаган ёшлар кўплиги, муҳтож ва кам таъминланган оилалар мавжудлиги айтилди. Тарих ўқитувчиси Муҳаббат опа қурилган боғча биносининг маҳаллий шарт-шароитга мос келмаслигини, ўқитувчи Нина Васильевна касалхонада ўғлига керакли дори-дармон топилмаганини, Илончи қишлоғидан мўйсафид Ҳазрат Нуруллаев қишлоқ дўконида кўпдан буён на ун, на шакар йўқлигини, Фориш қишлоғидан фахрий Бахтиёр ота Файзиев қишлоққа қатнашга транспорт йўқлиги сабабли ниҳоятда қийинлигини, топширилган пилла учун эвазига вақтида ҳақ берилмаслигини айтди.

Кўринадики, танқидий, мулоҳазали фикр, таклиф бор. Улар хилмахил, табиий, айни шунга ўхшаш мулоҳазалар Арнасойда, Ғаллаоролда ҳам, Жиззах туманида ҳам учрайди. Ҳамон шундай экан, маҳаллий оммавий-ахборот воситалари аҳоли орасидаги мавжуд барча мулоҳазаларни ўрганиши, амалий таклифларни умумлаштириши, шу орқали ўз зиммасидаги бурчни адо этиши шарт. Бир сўз билан айтганда, газета халқнинг ниятини, истакларини юзага чиқариши ва уларни адо этишга кўмаклашмоғи зарур.

Айтмоқчиманки, сайловолди ҳаракат дастуримда белгиланган режа пировардида мана шундай мақсадларни кўзлаб қайд зикр этилган.

Яна бир таклифга тўхталай. Форишдаги 33-мактабдаги учрашувда Акрам Одилов кўпчиликни ўйлантириб қўядиган таклифни ўртага ташлади. У кишининг айтишича, Учқулоқ рух-қўрғошин конидан, тумандаги сув ҳавзасидан ёхуд Арнасойдаги Айдаркўлдан туман ва туман аҳолиси бирор манфаат кўриши керакми ё йўқми?

Мантиқли таклиф. Тасаввур қилинг, туманда катта корхона фаолият кўрсатиб турса-да, катта даромадлар олинаётган бўлса-да, ундан маҳаллий бюджет ёки маҳаллий аҳоли ҳеч қандай моддий манфаат кўрмаса! Суҳбатлар чоғида аҳоли ўртасида мана шундай кайфият борлиги сезилди, бироқ кайфият ўз ҳолича қолиб кетмаслиги учун... қонун керак. Сайловолди дастурида бу шундай акс этган: «Маҳаллий табиий бойликларидан, йирик саноат ва бошқа корхоналардан олинадиган даромаднинг муайян улуши бевосита маҳаллий шарт-шароитни яхшилашга, маҳаллий аҳоли эҳтиёжига сафарбар этилишини таъминловчи қонунлар қабул қилинмоғи лозим».

**— Демак, сайловчиларнинг конкрет талабларини амалга оширишнинг энг мақбул чораси қонуний йўл деб ҳисоблайсизда?**

—Шундай. Сайловчиларимиз бир ҳақиқатни тушунишларини жуда-жуда истар эдим. Мен муайян жойдаги бирорта конкрет камчиликни, муаммони бартараф этиш ниҳоятда зарурлигини мутлақо инкор этмайман, шу билан бирга республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам учрайдиган худди шунга ўхшаш камчилик ва муаммолар ечимини топиш учун бутун мамлакат миқёсида кучга эга бўлган қонун яратилиши муҳимроқ ва тўғрироқ бўлади, деб ҳисоблайман.

Шундан келиб чиқилса, ҳаракат дастуримдан ўрин олган жамиятдаги демократиялашув жараёнларини изчил давом эттириш, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотлар юзасидан белгиланган режалар моҳиятида бевосита аҳолини безовта қилаётган кундалик ва ҳаётий ташвишлар ечимига йўл топиш нияти кўзда тутилган.

Хусусан, Форишда ва Арнасойда, Жиззахда ва Ғаллаоролда аҳолини иш жойлари билан таъминлаш, меҳнатига яраша иш ҳақини вақтида бериш, ичимлик суви,газ таъминотини йўлга қўйиш, ўқитувчи, мураббий ва тиббиёт ходимлари иш ҳақини ошириш, жамоат транспорти ва йўллар аҳволини яхшилаш, шунингдек, жойларда ҳуқуқий тарбия, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжудки, нафақат номзод ёки бўлғуси депутат сифатида, балки журналист ва «Ҳуррият» мустақил газетасининг бош муҳаррири сифатида, қолаверса, ёзувчи сифатида бундай муаммоларни очиқ-ошкора ҳал қилишда барча саъй-ҳаракатимни аямайман.

Мен «Миллий тикланиш» партиясининг онгли аъзоси сифатида ва зиёли қаламкаш сифатида ҳар бир ватандошимизни, жумладан, форишлик, жиззахлик, арнасойлик, ғаллаороллик сайловчиларимни, уларнинг оила аъзоларини гўзал, зиёли инсонпарвар туйғуларга, ҳиссиётларга тўла турмуш кечиришгина инсон умрини безайди, деган ақидага даъват этаман.

Халқимиз янада фаровон, янада маъмур яшашга ҳаққи бор, шундай экан, соғлом эътиқодий муҳит, соғлом табиий муҳит, соғлом оилавий муҳит, соғлом экологик муҳит, соғлом ҳуқуқий муҳит ярата олсаккина халқимиз қалбининг туб-тубидаги орзу-истаклар тўла-тўкис рўёбга чиқаверади.

Форишда бўлиб ўтган учрашувлардан бирида оппоқ соқоли кўксини безаб турган кекса отахон, «Бизнинг тупроғимиздек унумдор ва бой замин ҳеч қаерда йўқ, бизнинг одамларимиздек матонатли ва сабр-тоқатли, тиришқоқ меҳнатсеварлар ҳеч қаерда йўқ!», дея эҳтирос билан гапирди. Отахоннинг эҳтироси залда йиғилганларни тўлқинлантириб юборди, дарҳақиқат, Ватанимизнинг энг улуғ бойликларидан бири ҳам шу — Худо бизга раво кўрган ажойиб замин, ажойиб табиат ва одамларимизга ҳадя этилган меҳнатга ташналик, матонатдир!

Бундай имкониятлар билан, бундай эзгу ниятлар билан, депутатликка номзодларнинг режалари билан сайловчиларимизнинг амалий ҳамкорлиги туташган жойда ҳар қандай муаммонинг ечимини топиш, эртанги ҳаётимизни янада фаровонлаштирмоғимиз мумкин бўлади.

**Суҳбатни Н.ОЧИЛОВ ёзиб олди**

## ИСТИҚБОЛНИ ИҚТИСОД БЕЛГИЛАЙДИ



**Алимбекова Дилдора Маҳмудовна 1954 йилда туғилган. 1971 йили халқ хўжалик институтига кирди ва уни 1975 йили муваффақиятли битирди. 1975-1982 йиллар давомида Бутуниттифоқ аҳоли эҳтиёжини ўрганиш институтида кичик илмий ходим бўлиб, сўнгра 1982—1989 йиллар давомида енгил саноат вазирлигига қарашли шу масалалар бўйича бўлим бошлиғи лавозимида иш фаолиятини давом эттирди. 1989 йили Республикамизда биринчилар қаторида тикув кичик корхонаси очди. 1991 йили давлатимиз мустақилликка эришиши муносабати билан нодавлат уюшмаси тузиш имконияти туғилди ва шу имкониятлардан фойдаланиб, хусусий тадбиркорликдаги муаммоларни ўрганган ҳолда Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркор аёл» уюшмаси дунёга келди.**

«Тадбиркор аёл» уюшмасининг асосий мақсади ва моҳияти аёлларимизнинг иш юритишдаги қийинчиликларни енгиб, уларга қулай шароитлар яратишдан иборат. Ушбу уюшма нодавлат ташкилот бўлиб, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аёлларни иш билан таъминлаш, янги иш жойларини яратиш, касб-ҳунар ўргатиш ва уларнинг малакасини ошириш масалалари билан шуғулланади.

*Шу кунгача Ўзбекистонда тадбиркор аёл бошчилигида 120 минг иш жойи ташкил этилди, 800 нафар аёл чет элларда малака ошириб қайтди, 10 мингдан зиёд аёл мукаммал мутахассисликка эга бўлди.*

Д.Алимбекова сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.Марказий сайлов комиссиясида 8-Миробод сайлов округидан рўйхатга олинган. Уюшма Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Аёллар учун Глобал Жамғарма, Бутундунё ривожланиш ва тараққиёт банки, Конрад Аденауэр фонди, Америка Адлия Консорциуми ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб борди.

Аёллар йилида Буюк Британиядаги Халқаро тадбиркор аёллар ташкилоти фахрий аъзоси бўлган Дилдора Алимбекованинг шижоатли ва самарали меҳнатлари туфайли кўпгина аёллар ўз кучларига ишонч ҳосил қилдилар ва шахсий иш фаолиятини бошладилар.

Дилдора Алимбековага юртбошимизнинг, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини янада либераллаштириш ва демократлаштириш зарурлиги тўғрисидаги фикрлари жуда яқин ва тушунарли. Аёлларнинг дастлабки нодавлат ва мустақил ташкилотларини тузиб, босиб ўтган мураккаб йўли унга ва унинг тадбиркор аёллар Ассоциацияси бўйича ҳамкасбларига яхши аён. Бугун унга кўпгина бошқа депутатликка номзодлар каби Ўзбекистон тарихида биринчи марта сайловларда қандайдир сиёсий партиянинг эмас, балки ўз сайловчилари – оддий инсонларнинг ташвишлари билан яшаётган одамларнинг манфаатларини кўзлаб, курашишга тўғри келади. Бу ҳолни у мустақиллигимизнинг катта муваффақияти деб ҳисоблайди ва давлатнинг бошқарувидаги ваколатларини нодавлат ташкилотларга ўтказиш ҳамда ижобий сиёсий ва иқтисодий жараёнларнинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшишга бел боғлаган.

Унинг сайловолди дастури бу аёл шижоатига кўпчиликнинг интилишлари сингиб кетганлигидан дарак беради:

— бизга мустақиллик берган барча ижобий неъматларни асраш ва ривожлантириш; хонадонларимизда тинчлик ва хотиржамлик учун Республика Президенти томонидан амалга оширилаётган босқичма-босқич ислоҳот ва ижтимоий сиёсат устуворлиги, мақсад ва натижалари халқнинг, менинг, сайловчиларимнинг туб манфаатларига мос келадиган ислоҳотлар учун фаолият кўрсатиш;

Кучли иқтисодиётсиз кучли ва бой давлат ҳамда фаровон яшовчи халқ бўлмайди. Шу боис, номзоднинг сайловолди дастури қуйидагиларга асосланади:

— хўжалик субъектлари мустақиллигини амалда таъминлайдиган қонуний шарт-шароитлар яратадиган, товар ишлаб чиқарувчилар ишини рағбатлантирадиган ислоҳотларни чуқурлаштириш;

— яхши ишлайдиган корхоналар ижтимоий дастурларимизни қатъий равишда молия билан таъминлайдилар, улар тўлаган солиқлар - бу ўз пайтида тўланаётган нафақалардир;

Бугун ташкилотларни қўллаб-қувватлаш эртанги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш демакдир.

— бизнинг истеъмол бозоримизни тўлдиришни хоҳловчилар учун таъқиқлар ва чеклашлар эмас, балки шароитлар яратиш ва рағбатлантириш учун хизмат қилишга, иқтисодий қийинчиликлар ва ҳуқуқий чаласаводликдан фойдаланувчилардан уларни ҳимоя қилишга хизмат қиладиган қонунлар қабул қилиниши ва тўлдирилиши;

— ҳар бир шахсга тенг шароит яратиш, шахс мустақиллигининг иқтисодий кафолатларини таъминлаш;

— «ислоҳотлар ислоҳотлар учун» истиқболсиз йўл эканлиги боис ислоҳотлар мақсад эмас, балки сайловчиларнинг фаровон турмушини таъминловчи восита бўлиши;

— иш ҳақи, нафақаларни ўз пайтида олишлари, уларнинг миқдори реал яшаш минимумига мос келиши;

— нафақахўрлар, кўп болали, кам таъминланган оилаларни дори-дармонлар сотиб олишларида давлат дотациялари ва имтиёзлари берилиши;

— коммунал хизматлар учун дифференцияланган нархлар белгилаш, бу нархлар фақат уй учун ҳақ тўлашга эмас, балки инсоннинг бошқа эҳтиёжларини қаноатлантиришга етиши;

— инсонларнинг ижтимоий муҳофазаси, барқарорлик кафолатлари сифатида биринчи навбатда аҳолини иш билан бандлигини таъминловчи давлат дастури ишлаб чиқиш ва амалга ошириши;

— аёлларни тўлиқ бўлмаган иш куни шарти билан ишга жалб этиш;

— пенсиядаги кишилар тажрибаси, билимларидан улар пенсиясига зиён етказмаган ҳолда фойдаланиш;

— ёшларни жалб этиш ҳисобига тадбиркорликни ривожлантириш;

— аёл ва ташаббускор тадбиркор аёллар Ассоциацияси раҳбари сифатида Аёллар йили деб эълон қилинган 1999 йилда бошланган хайрли ишларни давом эттириш.

Зеро, ўзини ҳурмат қиладиган мамлакатда аёллар ҳурмат-эътибори юқори бўлиши керак.

Тинчлик ва барқарорлик:

— биз ҳаммамиз биринчи навбатда асрашимиз зарур бўлган неъматлар. Улар бизни иқтисодий ва ижтимоий қийинчиликларни осонроқ енгишимизга имкон беради.

## ҲАР СОҲАДА СОҒЛОМ РАҚОБАТ



**Худойбердиев Шодибой, 1946 йилда Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги «Машъал» жамоа хўжалигида деҳқон оиласида туғилган. Маълумоти — олий. Мутахассислиги — педагог.**

**1964 йили Фарғона ДПИга ўқишга кириб, уни 1969 йилда имтиёзли диплом билан тугатган.**

**Меҳнат фаолиятини Фарғона вилояти Охунбобоев туманидаги 17- ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган.**

**1973-78- йиллари туман халқ таълими бўлимида услубий мудир ва мактаблар назоратчиси вазифасида фаолият кўрсатган. 1978-80-йиллари тумандаги 69- мактабда директор вазифасида, 1980-83 йиллари «Машъал» жамоа хўжалигида раис муовини, 1983-86- йиллари тумандаги «Нурафшон» оромгоҳида бошлиқ, 1986-88- йилларда 43-мактабда директор, 1988 йилдан ҳозирга қадар 31- ўрта мактаб директори вазифасида фаолият кўрсатмоқда.**

*Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатилган. Марказий сайлов комиссиясида 117-Чархин сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.*

Ш.Худойбердиевнинг сайловолди дастурининг мазмуни Халқ демократик партияси платформасига асосланади. Унинг олий мақсади — меҳнат аҳли ва ҳар бир оиланинг, уларнинг миллати, дини, эътиқоди, ижтимоий аҳволи ва келиб чиқишидан қатъий назар, моддий ва маънавий баркамол ҳаёт кечириши учун кенг имконият яратиш, кишиларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва фуқаролик эркинликларини кафолатлаш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини, тинч ҳаёт кечиришини ишончли ҳимоя қилишдан иборатдир. Яъни, давлатнинг қудрати зўравонликда эмас, балки унинг қонунларини онгли равишда бажарувчи ҳамда фуқаролик жамиятининг турли институтлари орқали, жамоат, давлат ишларини бажаришда бевосита иштирок этувчи, сиёсий ва ижтимоий фаол фуқароларга таянишда бўлишлигини таъминлашдир.

**Иқтисод:**

—мамлакат иқтисодиётини, ривожланган давлатларда умумэътироф қилинган меъёрларга мос равишда, эркинлаштириш — иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналиш бўлиши, иқтисодиётни мафкуравий ақидалар ва ижтимоий хомхаёлликлардан халос қилиш, ишлаб чиқарувчининг маъмурий буйруқбозлик, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг хўжалик фаолиятига бевосита аралашишидан озод қилиш, барча шаклдаги мулкчилик, хусусий ташаббускорлик, тадбиркорлик ва рақобатнинг эркинлиги тамойилларига изчил амал қилиш, кишиларга янги иш ўринлари, муносиб иш ҳақи, кундалик зарур товар ва хизматлар, барчага маъқул бўладиган нархлар, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси ва унинг оиласининг соғлиғи ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, тиббий парвариш ва муҳим ижтимоий хизматларни ўз ичига олувчи, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон деклорациясида кўзда тутилган, ҳаёт даражасига оид, инсон ҳуқуқларининг амалга оширилишини таъминлаш, пулнинг қадрсизланиши оқибатида, аҳолининг мазкур ижтимоий гуруҳлари турмушининг пасайиши, давлат томонидан пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, аҳоли жамғармаларини индексациялаш орқали қопланиши;

—иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолиши;

—жамиятда аёлларнинг мавқеини ошириш, меҳнат ва яшаш шароитларини енгиллаштириш, уларнинг оиладаги оналик ва уй бекалик, болалар тарбиясидек муқаддас бурчларини ижтимоий ҳаётда фаол қатнашиш билан бирга олиб боришларига имкон берувчи зарур шароитлар яратиш; жамиятда ижтимоий бирдамлик муносабатларини ривожлантириш, мулкнинг барча шаклларидаги корхоналарни, жамиятнинг иқтисодий фаол ва бадавлат аъзоларини, жамоатчилик ва хайрия жамғармаларини, маҳалла ва бошқа жамоат институтларини, муҳим ижтимоий дастурларни амалга оширишда ҳамда аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини муҳофазалашда фаол иштирок этишларини рағбатлантирувчи иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни яратишга кўмаклашиш;

**Маънавият:**

—шарқ халқларининг кўп минг йиллик анъаналарини ўзида мужассамлаштирган, эркинлик, тенглик ва инсонпарварлик каби умумбашарий қадриятларга, шунингдек, инсонийлик ва инсонни севиш, катталарга ҳурмат ва кичикларга ишонч, ҳалоллик ва ростгўйлик, виждонлилик ва андиша, тўғрилик, адолат ва меҳр-шафқат сингари миллий одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилиш шароитларини қарор топтириш, диннинг муҳим аҳамиятини эътироф этган ҳолда, дунёвий давлат тамойилларига қатъий риоя қилиш, айни пайтда ахлоқий ва маданий қадриятлар, дунёқараш тизими, халқнинг тарихий-маънавий меросининг таркибий қисми — дин билан ёвуз ниятли, фуқароларни итоатсизликка ундовчи, конституциявий тузумни зўравонлик билан ўзгартиришга чорловчи, сиёсатлаштирилган диний оқимлар ўртасидаги фарқни аниқ белгилаб олиш, диний жангариликнинг ҳар қандай кўринишларини қатъийлик билан бартараф этиш;

—жамиятнинг барча аъзоларини, мамлакатнинг барча фуқароларини муштарак миллат, яхлит халққа бирлаштиришни, барқарорлик, тинчлик, фуқаролик ва умуммиллий тотувлик вазиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

**Таълим:**

—давлат умумтаълим мактаблари, шифохона ва поликлиникалар учун ажратилаётган бюджет маблағларининг, пулнинг қадрсизланиши сабабли, уларни таъмирлаш — фойдаланиш харажатларини тўла қопламаётган пайтда, билвосита қисқартирилишига йўл қўймаслик, уларни фақат бюджетдан тўлиқ молиялаш йўли билан амалдаги қонунлар билан бепул хизматлар тоифасига киритилган ижтимоий соҳа муассасалари томонидан аҳолининг маблағларини жалб қилиш каби, кўпинча, ноқонуний бўлган, аммо ночорликдан юзага келган ҳолатларга чек қўйиш;

**Сиёсат:**

—эркин сиёсий рақобат, қарашлар ва ғоялар кураши демократик сайловларнинг тинч майдонда ўтиши, Олий Мажлис ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларидаги турли сиёсий кучларнинг фракциялари ва гуруҳларининг ўзаро соғлом мусобақалашуви шаклида бўлишига эришиш.

# 18 ноябрь — Халқаро талабалар куни

Бугунги талабага ҳар кимнинг баҳоси ҳар хил бўлганидек, уларнинг ўзлари ҳам турлича. Бирлари бор, тепса - тебранмас, бир амаллаб дипломини олса, бас. Айримлари бор, ўртамиёна. Яна бир тоифалари борки, чақнаб турган юлдуздек дарҳол кўзга ташланади.

Ана шундай ёшлардан бир гуруҳи «Халқаро талабалар куни» арафасида таҳририятимизга ташриф буюришди. Улар ўша кунлари Президент стипендияси совриндори бўлишган, шу боис қувончлари бир олам эди.

«Юлдуз»ларнинг маънавий дунёси қандай? Улар қандай фикрлашар экан? Меҳмонларга турли саволлар билан мурожаат қилдик. Мақсадимиз эса уларнинг қалб дарчаларидан «мўралаш» эди...

***

**— Талабалик даврига, унинг ташвишларига қандай баҳо берасиз?**



## ТАЛАБАЛИК ҒУРУРИ

**Жаҳонгир Нурмуҳамедов, — Тошкент темир йўллари транспорти инженерлари институти 4-курс талабаси:**

- Бу масалада фикрим мутлақо ижобий. Талабалик ҳам бахт, аммо йиллар шувиллаб ўтиб кетмоқда. Вақтнинг елдиримлиги, инсонга бўйсунмаслигига амин бўлдим. Ҳар қандай вазиятда ҳаёт кишининг сабр-тоқатини, иродасини синаб турар экан.

Ўтаётган йилларимдан қониқиш ҳосил қиламан. Чунки ўз олдимга қўйган мақсадларимга эришяпман. Кўнглимга озгина ғашлик солган нарса шуки, институтимизда йигит-қизларнинг билим олишлари устидан жуда қаттиқ назорат ўрнатилмаган. 4 та факультетнинг кундузги бўлимларида 2 мингдан зиёд талаба таҳсил олаяпти. Ахир, ўзингиз ўйланг, улар учун давлатимиз томонидан қанча сарф-харажат, қанчадан-қанча ўқитувчиларнинг ақл-заковати сарфланяпти. Мен Шавкат Норматов, Эркин Тўйчиев, Нарзулла Ибрагимов сингари домлаларимни бир умр эслаб юрсам керак.

* * *

**— Дўстларингиз борми? Нечта? Уларга таърифингиз...**

**Фарҳод Муродов, — Тошкент Давлат иқтисодиёт университети халқаро бизнес факультети 4-курс талабаси:**

— «Дўстинг кимлигини айт, мен сенинг кимлигингни айтиб бераман». Инглизча айтганимизда, «Тэл ми ху из ё фрэнд энд ай тэл ю ху а ю». Тўғри гап. Дўстларим жуда ҳам кўп. Аммо яқинлари камроқ. Қарши шаҳридаги 15-ўрта мактабда ўқиганман. Ўшанда Акмал Эркабоев, Элбек Юсупов, Ҳамид Эргашев каби йигитлар билан дўст тутинганман. Улар билан ҳозир ҳам мустаҳкам алоқам бор. Борган-келганларимда учрашиб, дардлашиб турамиз.

### Prezident stipendiyasi sovrindorlari

Менинг яна бир талай яқинларим бор. Улар ҳам дўстларим сингари азиз, мўътабар. Ота-онам, устозларимни назарда тутяпман. Мен ҳар қандай масалада ана шу инсонлар билан маслаҳатлашаман.

***

**— Ҳаётингиздаги энг қувончли кунни эслайсизми?**

**Шуҳрат Исмоилов, — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти муҳандис-иқтисодчи ва кимёвий технология факультети 4-курс талабаси:**

— Талаба бўлган куним кечагидек ёдимда. 1996 йил мазкур институтга ҳужжат топширганимда, 185 балл тўплаганман. Ўшанда рўйхат бўйича 8-ўринда эдим. Севинчимдан олам кўзимга ғоятда гўзал кўриниб кетган.

Президент стипендиясига тавсия этилганим ва бунга эришганим яна бир қувончдир. Бунга эришиш учун анча синовларда тобландим. Институтимизда бунга 40 нафар талаба даъвогар эди. Ғолиб чиқишимга ишонардим. Чунки, 1-курсдан то ҳозирга қадар синов дафтарчамга «қониқарли» ёки «яхши» деган баҳолар қўйилмаган.

***

**— Сиз нимани яхши кўрасиз ва нимадан нафратланасиз?**

**Саида Рафиқова, — Тошкент педиатрия институти 6-курс талабаси:**

— Расм чизиш - энг севимли машғулотим. Портретлар чизганман. Табиат манзараларини кўрганимда завқим келади ва дарҳол қўлимга қалам олиб, фантазияга бериламан. Ҳайвонот олами мени ҳамиша ўзига мафтун этган. Шу боис уларнинг ўзларига қараб суратларини чизаман.

Гуллар ҳам жону дилим. Уйимизда кактус, бинафша ўстирганман. Айниқса, бинафшанинг нафис гулларига соатлаб тикилиб ўтирсам ҳам зерикмайман.

Урушдан, уни ўйлаб топган кимсалардан жуда нафратланаман. Умр беҳад қисқа, ахир, нима кераги бор, ана шу қисқа умрни янада қисқартиришнинг? Бутун дунёга, жамики одамзотга хотиржамлик, тинчлик сув ва ҳаводек зарур.

***

**— Мутахассислик дипломини олиш арафасида турибсиз. Сиз XXI аср кадри сифатида ўз келажагингизни қандай тасаввур этасиз?**

**Гўзал Хўжаева, — ТошДУ биология-тупроқшунослик факультети 4-курс талабаси:**

— Мен ўқиётган факультет жуда оммавий эмас, юрфак, филфак, иқтисод йўналишлари каби бу соҳага ўзини урувчилар кўп эмас. Аммо қизиқувчилар барибир топилади. Кундузги бўлимнинг ўзида 400 га яқин ёшлар билим олишяпти.

Келажагим ҳақида ҳар нафас ўйлайман. Назаримда, барча тенгқурларим шундай. Илмий иш қилишни режалаштириб қўйганман. Бакалаврлик дипломи қўлга теккач, магистратура, аспирантура, докторантура... Худо хоҳласа, барига эришаман. Ўрганмоқчи бўлган мавзуим ҳам тайёр: «Қурғоқчилик минтақасида баъзи бир эфемерлар(ўсимлик турлари)нинг экологик ва биологик хусусиятлари». Устозим, экология кафедрасининг мудири Тура Раҳимов менга тадқиқот олиб бориш хусусида ўз маслаҳат ва йўл-йўриқларини бериб бораяпти.

Хуллас, орзуларим чексиз. Буларга эришиш учун ўзимда имкон ҳам, билим ҳам етарли деб ўйлайман. Аммо тўсиқлар кўплигини ҳам биламан. Гап уларни матонат билан енгишда...

***

Талабаларнинг мулоҳазалари жуда кўп, ранг-баранг ва баҳсталаб эди. Улар ўз мустақил фикрларига эга. Айрим катта ёшдаги кишиларнинг ақли етмаган масалаларда ҳам улар қийналиб қолишмаслиги аниқ. Қисқаси, суҳбатдошларим талабалик даврини том маъноси билан идрок этишади ва бу билан ғурурланадилар. Зеро, шу ҳолатнинг ўзи уларнинг қандайлигини кўрсатиб турибди.

**Ҳулкар ТЎЙМАНОВА**
**суҳбатлашди**

Moziydań sado

## ВАМБЕРИНИНГ ҚЎНҒИРОТЛИК ҲАМРОҲИ

Ўтган йиллар ичида мен филолог олимлар Георги Кара (Венгрия), Хайрулла Исматуллаев (Ўзбекистон), Қирқбой Бойниёзовнинг (Қорақалпоғистон) илмий ишларидан фойдаланган ҳолда, қўнғиротлик мулла Исҳоқ ҳақида матбуотда бир нечта мақола эълон қилгандим. Тасодифни қарангки, туман газетаси ходими Нурулла оға Ўрозбоев орқали Қўнғирот шаҳрида истиқомат қилувчи, мулла Исҳоқ шажарасига мансуб Ўтапберган оға Ўсар ўғли билан танишдим. Машҳур юртдошимиз мулла Исҳоқнинг дараги топилганига аввалига унча ишонмадим.

Хўш, мулла Исҳоқ ким бўлган?

Жаҳонга танилган венгер шарқшуноси Армин Вамбери (1832-1913) Рашид афанди (сўнг уни карвондагилар Рашид ҳожи, деб атаб кетишган) номи билан дарвеш қиёфасида Ўрта Осиёга бу минтақа тарихини, этнографиясини ўрганиш учун саёҳатга келади. Ҳажга боришни орзу қилиб юрган юртдошимиз 23 ёшли мулла Исҳоқ Вамберининг кимлигини билмаган ҳолда, ҳаж ниятида, 1864 йили май ойида Венгрияга бориб қолади. Қисқа вақт ичида венгер тилини ўрганиб, машҳур шоир Янош Арон (1817-1882) қаламига мансуб «Ажойиб оху ҳикояти» достонини ўзбек тилига, шунингдек, ўзбек тилидан элликтача мақол-матал, топишмоқ, ўн уч эртак ва ҳикоятлар, латифаларни венгер тилига таржима қилади. Халқ ижодиёти дурдоналаридан бўлмиш «Юсуф ва Аҳмад» достонининг матни устида ишлаб, Вамберининг бу асарни нашр қилишига яқиндан ёрдам беради. Бу ишларни амалга ошириш учун унга бор-йўғи бир йилдан сал ошиқроқ вақт кифоя қилган, холос. Бундан ташқари ҳамюртимиз мулла Исҳоқ венгер олимларига ўзбек тили, Ўрта Осиё тарихи бўйича асар ёзишларида сидқидилдан кўмаклашган. Юртдошимиз ҳатто Европанинг асосий тилларидан бир нечтасини ўзлаштирган экан. Афсуски, мулла Исҳоқнинг сўнгги ҳаёти, қилган ишлари тўғрисида маълумотларга эга эмасмиз.

Хуллас, Ўтапберган оғанинг уйида бўлиб, унинг мулла Исҳоқ ҳақида айтганларини ёзиб олдик. Қуйида қисқача маълумотни келтираман:

«Ўзим 1932 йили туғилганман, - деб гапини бошлади Ўтапберган оға. - Момом бева қолганда қизи, яъни менинг онам Ҳайитгул Худойберган қизи (1900 йили туғилган) бир ярим ёшда экан. Онаси Сейтхўжа деганга турмушга чиқади. У онамни ўз қизидан зиёд тарбиялаган, саводини чиқартирган, тенгига узатган. Менинг отам ҳам Сейтхўжа бобомдек ўзбек миллатининг Қўнғирот уруғига мансуб Ҳаким ота (Сулаймон Боқирғоний) насл-насабидан.

Сейтхўжа бобомиз тез-тез хўрсиниб онамга: «Отам Исмоил Иброҳим ўғлининг Исҳоқ исмли укаси бўларди. Сен туғилмасингдан уч мучал илгари узоқ юртдан Рашид ҳожи деган дарвеш Қўнғиротга келиб, халқдан ҳар хил мазмундаги китобларни йиғиб юрди. Мен у вақтда ўспирин эдим. Рашид ҳожи, Маккага ҳажга олиб бораман, деб ўзи ҳам ҳаж сафарини дил-дилдан орзу қилиб юрган хушовоз ва созанда, полвон ва қиссахон, билимдон Исҳоқ оғамизни ўзига ҳамроҳ қилиб эргаштириб кетди. Бир ярим йилдан сўнг ундан «Су деган олам гулистон, жаннатмакон жойга бордим», деган хабар карвонлар орқали етди. Шундан кейин домдараксиз, яъни «тирик ғойиб» бўлиб кетди», деб айтган эканлар.

Бобомиз Исҳоқни Рашид ҳожи деган дарвеш эргаштириб кетганлигини (1858-1859 йиллардаги тарихий «Қўнғирот қўзғолони»нинг раҳбари, Хива хони томонидан ҳукм қилиниб, ўлдирилган Муҳаммад Фанонинг беваси, Иккинчи жаҳон урушидан сал илгари 110 ёшида вафот этган) Жума момо ҳам онамга айтиб, Сейтхўжа бобомизнинг гапини тасдиқлаган. Одамлар ёт қиёфали Рашид ҳожи — Вамберини бегонасираб юрганларида «мусофирни сийлаганни худо сийлайди», деб унга бошпана берган шу Жума момо экан.

Яна энг ишончли далиллардан бири мулла Исҳоқ бобомизнинг бир шеъридаги қуйидаги банддир:

***Рашид ҳожи билан юрдик оралаб,***
***Кўлга қуйган дарёларни ёқалаб,***
***Ўтмишларин излаб топдик сўроқлаб,***
***Баёзнома ёздик Муйтен элинда.***

Ўтапберган оға фақат бошланғич маълумотгагина эга, лекин билим доираси кенг, ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий жонкуярларидандир. У билан доим алоқадамиз. Масофа олислигига қарамасдан, имкон топилди дегунча ҳузурларига бориб тураман. Шундай ташрифларимдан бирида у менга бобоси мулла Исҳоқнинг ўн битта шеърини тақдим қилди. (Мулла Исҳоқ ҳажга кетаётиб шеър дафтарини акаси Исмоилга, у эса ўғли Сейтхўжага, у қизи Ҳайитгулга, яъни Ўтапберган оғанинг онасига топширган). Ўша шеърлардан бирини эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.

**КИТОБНИ**

***Билсанг китоб адо бўлмас дунёдур,***
***Билсанг китоб оқиб турган дарёдур,***
***Билсанг китоб туганмас хазинадур,***
***Шунинг учун ҳурматлагил китобни.***

***Ўқиганда бетин ҳурмат билан оч,***
***Яхши сўзин дўст қил, ёмонидан қоч,***
***Ўз шогирдларингга илм нурин соч,***
***Шундай қадрлагин азиз китобни.***

***Билсанг китоб ичган-еган нонингдур,***
***Билсанг китоб тожу тахтинг, борингдур,***
***Билсанг китоб бахт-давлату молингдур,***
***Олам халқи қадрлагай китобни.***

***Китоб яқин қилур олис йўлларни,***
***Китоб бўстон қилур саҳро-чўлларни,***
***Китоб достон этур ботир элларни,***
***Жаҳон ойнаси деб билгил китобни...***

***Исҳоқ хўжа айтар китобдур дўстим,***
***Ўқидим, ўргандим, тушундим, ёздим,***
***Ўтган олимларни билиб устозим,***
***Зеҳн солиб ўқидим мен китобни.***

**Жабборберган ШОМУРОДОВ,**
**Қўнғирот туманидаги К.Усмонов номидаги ўрта мактаб ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси**

## ИНСТИТУТ 5 ЁШДА

Milliy dastur - amalda

Самарқанд Давлат университетининг тегишли факультети негизида ташкил этилган Чет тиллар институти беш ёшга тўлди. Институт фаолиятининг асосий йўналишлари хилма-хил. Роман-герман филологияси бўйича педагог ва мутахассислар, кенг ихтисосли таржимонлар ва экскурсоводлар, мактабгача тарбия педагогикаси ва психологияси бўйича чет тилларни биладиган мутахассислар ва уларни қайта тайёрлаш, олий таълим негизида тил ихтисослари бўйича кадрларни жадал ўқитиш институтнинг умумий вазифаларига киради.

Институтнинг мазмунли фаолияти давомида қуйидаги асосий йўналишлар амалга оширилаяпти. 6 та факультет - инглиз, француз ихтисослиги, таржимонлик, гидэкскурсоводлар, мактабгача тарбия педагогикаси ва психологияси, малака ошириш факультетларида бугунги кун талаблари асосида иш юритилмоқда. Бундан ташқари, итальян, араб, форс, турк, корейс, япон тиллари иккинчи чет тили сифатида ўқитилаётир.

Даргоҳимизда инженер-тилшунослиги илмий маркази, «Бизнес инкубатор», ўзбек, рус, инглиз, немис, француз, корейс, турк, итальян, араб ва япон тиллари ижтимоий фанлар мутахассислигига доир маданият марказлари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Марказий бинонинг ташқи жиҳатдан безатилиши миллий услубда, яъни «Буюк ипак йўли» тасвири шу қадар нозик дид билан туширилганки, хорижлик меҳмонлар ҳам тан беришмоқда.

Биз ўз фаолиятимизни вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят касб-ҳунар таълими бошқармаси, саёҳат бюроси, «Интурист» каби ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширамиз. Талабаларнинг амалий машғулотлари шаҳар таянч мактаблари, мактабгача тарбия муассасаларида ўтаяпти. Хорижий тил ўқитувчиларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида илмий-амалий анжуманлар ҳам тез-тез уюштирилади.

Талабаларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш борасида барча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Соғломлаштириш масканларига имтиёзли йўлланмалар ажратилади. СамДЧТИ талабалари дастлабки йиллардан бери шаҳар олий ўқув юрт-лари орасида спорт мусобақалари бўйича фахрли иккинчи ўринни бермасдан келмоқда. Ҳар бир талаба спортнинг бир ёки икки тури билан шуғулланади. Спортнинг жами 14 тури бўйича машғулотлар олиб борилади.

Бўш вақтни мазмунли ўтказишда «Парнас» ёш ижодкорлар клуби, «Қув-ноқлар ва зукколар», театр тўгараклари доимо хизматда. Яқиндагина республика миқёсида ўтказилган кўрик-танловда талабаларимиз тайёрлаган «Самарқандномa» драмасига фахрли ўрин берилди.

Қилинаётган ишлар денгиздан томчи. Бугунги талабани эртанги етук мутахассис қилиш институт раҳбариятининг доимий вазифаси бўлиб тураверади.

**Муродкул ЖАББОРОВ,**
**СамДЧТИ малака ошириш факультети декани, доцент.**

## ЭЛ АРО УСТОЗ АЗИЗ

Ta'lim fidoyilari

Устоз — одоб тарғиботчиси, ёш ниҳолларни эзгу ҳис-туйғулар руҳида тарбияловчи фидокор. Халқимизда етук шогирдларнинг фаолиятига баҳо берганда айтадиган «Тарбия берган ота-онангга, устозингга балли», деган гап бор. Бундай самимий миннатдорчиликка сазовор бўлган шогирд эса кенг жамоатчилик олдида маълум маънода ота-онасининг, устозининг ишончини оқлаган бўлади. Устоз нафақат билим беради, балки инсонийлик эътиқодини янада мустаҳкамлаб, ростгўйлик, тўғрилик, виждон олдида жавобгарликни тан олиш руҳида тарбиялайди. «Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўргатмиш ранж ила, айламак осон эмас, онинг ҳақин минг ганж ила», - дейди Навоий устоз-шогирд муносабати ҳақида. Ҳақиқатан ҳам шогирд устозининг олдидаги қарзини моддий бойлик билан эмас, фақат ўзи УСТОЗ даражасига етгандагина уза олиши мумкин.

Ана шундай илму одоби азиз устозлардан бири Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги Умир бахши Сафаров номидаги мактабнинг бошланғич таълим ўқитувчиси Давлатой опа Олтибоевадир. У мактабни «аъло» баҳоларга тугатгач, Қарши Давлат Педагогика институтида ўқишни давом эттирди. Институт таълимидан сўнг иш фаолиятини А.Амирқулов номидаги 1-ўрта мактабда бошлади. 1978-81- йиллар тумандаги Ғулом Юсупов номидаги, 1982-83-йиллар Ҳамид Олимжон номидаги мактабларда ёш авлодга таълим берди. 1984 йилдан буён ҳозирги ишлаётган жойида ўқитувчи. Бу меҳридарё устоз ҳақида мактаб директори М.Жуманов шундай дейди: «Д.Олтибоева бу мактабда 17 йилдан буён ишлаб келмоқда. Иш фаолияти давомида кўплаб ютуқларга эришди. Бир кун дарсга келолмай қолса, ўқувчилари нега келмади, деб сўраб қолишади. Қачон 1-синфга қабул қилиш бошланса, ота-оналар болаларимизни Давлатой опанинг синфига берамиз, деб туриб олишади. Бу эса Д.Олтибоеванинг халқ олдида қанчалик эътибор қозонганини кўрсатиб турибди».

Шогирд қайси соҳада бўлмасин, устозининг таянчи ҳисобланади. Тошкент Давлат педагогика университети 3-босқич талабаси Феруза Самадова устози ҳақида: «Мен Давлатой опага илк бор қўлимга қалам тутқизиб, ҳарфни ўргатгани, берган ўгитлари, насиҳатлари учун доим таъзимдаман», дейди.

Шогирд эътирофи - устознинг фахри. Устознинг меҳр дарёсидан сув ичган шогирдлар қатори биз ҳам мураббиянинг кейинги фаолиятига ривож тилаймиз. Зеро, бундай устозлар салоҳияти билан, билим-тажрибалари билан атрофга эзгулик, инсонийлик уруғи сочаверсинлар.

**Дилноза БЕГИМҚУЛОВА,**
**ТошДУ журналистика факультети 4-курс талабаси**

## МИЛЛИЙ ИФТИХОР — АСОСИЙ МЕЗОН

Ўзини-ўзи англаш — бу халқнинг ўтмиш тарихини, ота-боболарининг, авлод-аждодларининг жаҳон илму фани, санъати ва маданиятига қўшган буюк ҳиссаларини билиб олишидир. Миллий ўзлигини англаш — Ватанининг порлоқ истиқболини таъминлаш учун барча зарур имкониятлари ва қулайликлари мавжудлигини англаш, улар билан фахрланиш, шу имкониятларни юзага чиқаришда бор куч-қувватини ишга солиши билан белгиланади.

Ўзини-ўзи англаб еттач, ўз насл-насаби билан фахрланадиган, юртининг келажагига ишонган халқни эса ҳеч қандай куч енга олмайди.

Миллий ғурур, миллий туйғу, миллий орият ва миллатга муҳаббат — халқнинг энг муҳим хислатларидан бўлмоғи керак. Бас, шундай экан, бизнинг мақсадимиз ёшларимизда миллий ғурурни тарбиялаш, ўз халқининг тарихи, маънавий қадриятлари, жумҳуриятимизнинг истиқболини тушуниб етган, уларнинг қадрига етиб, фахрланиш туйғусига эга бўлган баркамол авлодни вояга етказишдир.

«Сиз, фарзандларимизнинг томирида,—дейди Президентимиз «Иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси грантлари совриндорларига» йўллаган табригида («Маърифат» газетаси, 1997 йил 6 август), инсоният маънавий хазинасига улкан ҳисса қўшган Амир Темур, Имом Бухорий, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби боболаримизнинг қони жўш урмоқда». Юртбошимиз ҳар бир чиқишларида келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг тарихий илдизларини атрофлича таҳлил қиладилар. Чиндан ҳам маънавиятимизнинг буюк алломалари бўлган, дунё маданияти ривожига бебаҳо ҳисса қўшган буюк ота-боболарнинг наслари бўлган, кейинги асрларда ҳам улуғ инсонларни тарбиялаб вояга етказаётган халқ буюкдир. Бу билан фахрланиш, унга муносиб бўлишга интилиш ҳар бир ўзбекнинг бурчидир.

Демак, баркамол авлодни тарбиялашдек порлоқ ниятимиз учун бизда маънавий асос бор. Форобий «Фозил одамлар шаҳри» асарида жамиятнинг ҳар бир фуқароси — мансаби, кимлигидан қатъий назар- Фозил киши бўлиши керак, Фозил инсон эса ўз давлатининг барча қонун-қоидаларини яхши билиши, унга амал қилиши, эркин фикрлаши, лозим бўлганда Ватани, халқи учун жон фидо этиши, ўз халқини севиши, ўзлигини англаб яшаши керак, деган ғояни илгари суради. Фозиллар шаҳри аҳолиси бир-бирига ҳурматда бўлиб, ота-она ва фарзанд, устозу шогирд ўртасидаги шарқона назокатни устувор биладики, бу ҳам ўтмиш аждодларимиз билан фахрланишга яна бир асосдир.

Кадрлар тайёрлаш тизимининг асосий йўналишларидан бири маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлардир. Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқимизнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларига эътиборни қаратиш, уларда миллий ғурур, ўз ота-боболари билан фахрланиш туйғуларини шакллантириш бутун таълим тизимининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

«Миллий ғоя, миллий ифтихор кундалик машаққатли ишларимизда ва бунёдкорлик фаолиятимизда кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшиб, ҳақиқатдан ҳам келажаги буюк давлат қураётганимизга мустаҳкам ишонч бағишлаб, руҳимизни баланд, белимизни бақувват қилишига ишонаман»,— дейди Президентимиз. Бу юксак ишончни оқлаш учун биз педагоглар, олимлар ўз олдимизга аниқ вазифаларни белгилаб қўйишимиз ва шу улуғ мақсад йўлида тинмай хизмат қилишимиз лозим. Менинг назаримда, бу вазифаларнинг асосийлари қуйидагилардан иборатдир:

—миллий маънавий ва умуминсоний қадриятларининг ёшларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи йўлларини аниқлаш;

—ёшларда миллий ғururни шакллантириш жараёнининг илмий асосини педагогик муаммо сифатида ёритиш, унинг мазмуни ва таркибий қисмларини баён қилиш;

—талабалар билиб олиши лозим бўлган қадриятларнинг кўламини аниқлаш;

—талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда исломий қадриятлардан фойдаланишнинг мақбул йўлларини белгилаш;

—талабаларда миллий ғурурни шакллантиришда фойдаланиладиган миллий ва умуминсоний қадриятлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни олий ўқув юртларида синовдан ўтказиш, натижаларини умумлаштириш.

Мазкур вазифаларни амалга оширишда халқ педагогикаси, улуғ мутафаккирларнинг таълим-тарбия ҳақидаги ғоялари, Ўзбекистон ҳукумати қарорлари, таълим олдига қўйилган талаблар, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, адабиётшуносликдаги ахлоқ-одобга оид тадқиқотлар, таниқли файласуфларнинг маънавият, миллий ғурур, миллий ифтихор, миллий мафкурага доир ишлари илмий асос қилиб олиниши керак, деб ўйлаймиз.

Бу ишлардан кузатилган асосий мақсад шуки, маданий-маърифий қадриятларимизга аввало ўзимиз амал қилайлик ва ёшларга ўргатайлик. Зеро, уларда меҳр уйғонсин, оқибат уйғонсин. Шундагина ёшларимиз онгида шарқона, умуминсоний фазилатлар — меҳр-оқибат, эзгулик, яхшилик, ота-онага ва халқига ҳурмат, Ватанига, миллатига муҳаббат, авлод-аждодлари билан фахрланиш, миллий ифтихор туйғуларини шакллантира оламиз.

**Дилноз РЎЗИЕВА,**
**Бухоро Давлат университети доценти**

